



# ХАВАР

شېبەر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

• 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

• 1993 йил, 24 септябрь № 39 (78) •

Сотувда эркин нархда

## «АЛКАТЕЛЬ» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Олмониянинг «Алкатель Сел РФТ» фирмаси жаҳонда катта шуҳрат қозонган. Техник алоқа воситалари ишлаб чиқариш, телекоммуникация куриш — фирма фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Жумҳуриятимиз Президент И. А. Каримовнинг Олмонияга қилган сафари чоғида фирма вакиллари билан Ўзбекистонда телекоммуникацияни ривожлантириш борасида ташаввуф имзо чекилган. Ана шу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва «Алкатель» фирмаси ўртасида жумҳуриятдаги телекоммуникация тармоғини қайта куриш борасида ҳамкорлик қилиш ва немис банклари берган қарз ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилиш юзасидан келишиб олинди.

Алоқа вазирлигида мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш учун ишчи гуруҳи тузилди. Икки томон ўртасида тузилган шартномани амалга ошириш юзасидан «Ўзбектелеком», «Ўзбекхеллокаинвест» концернлари ва алоқа корхоналари бир қатор

ташкилий ишларни олиб боришлари лозим. Ишчи гуруҳининг Ўзбекистонда алоқа тармоғини қайта куриш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасидаги тақлифларини фирма мутахассислари ўганиб чиқишди ва уларни асосан маъқуллашди.

Сентябрь ойи ўртасида Шарқий Овropa мамлакатларининг олмон иқтисоди делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Мазкур делегация таркибиде «Алкатель» фирмаси вакиллари ҳам бор эди. Бўлиб ўтган учрашуларда ўзаро ҳамкорлик ҳужжатлари лойиҳаси ва уларни бажариш юзасидан амалий ҳаракатлар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида икки томон учун муҳим бўлган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон томонидан Республика Бош вазирининг ўринбосари, жумҳурият ташқи иқтисодий алоқалар вазир У. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазир К. Р. Раҳимов, Олмония томонидан — «Алкатель» фирмаси бошқаруви раисининг ўринбосари, жаноб Фон-Людвиг ва

Шарқий Олмония ерлари ҳукуматининг масъул вакили В. Нидерс имзолашди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазир К. Р. Раҳимов, «Алкатель» фирмасининг раҳбари жаноб Фон-Людвиг ва учрашувада иштирок этган Олмониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси, доктор Куна нутқ сўзлаб, ушкан ишга муваффақият тилашди.

Имзоланган ишлар дастури 1993-1994 йилларга мўлжалланган бўлиб, шаҳарлараро ва шаҳар телефон тармоғини кенгайтиришга хизмат қилувчи Олмониядан олинмадиган асбоб-ускуналар ҳажми ва муддатини белгилайди. Немис банклари мазкур дастури маблаг билан таъминлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Алоқа вазирлигига асбоб-ускунани харид қилиш учун 9,0 миллион марка ажратади. Шаҳарлараро телефон тармоғи учун дастлабки ускуналар Наманганга яқин орада келади. Тошкент шаҳар телефон тармоғини қайта куриш мақсадида шу йил охиригача «Систем-12» хилдаги электрон АТСлар харид қили-

нади. Ҳамкорлик асосида иш кўриладиган дастурни бажариш ва бу борада юзага келадиган масалаларни тезкорликда ҳал қилиш учун Тошкентда техник марказ ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистонда телекоммуникацияни ривожлантириш борасида кенг миқёсдаги ҳамкорликнинг дастлабки одимлари қўйилди. Мўлжалланган корхоналар учун асбоб-ускуналар жўнатилмоқда. Кейинчалик Ўзбекистондаги заводларда алоқа воситалари ва техникаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида «Алкатель» фирмаси билан келишиб олинди.

Алоқа вазирлигида немис делегациясининг Ўзбекистондаги тўрт кунлик сафари якунларига бағишланган дастлабки фикр алмашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Т. Султонов жумҳуриятда амалга оширилмадиган иқтисодий ислохотнинг асосий йўналишлари хусусида гапириб, немис фирмалари билан турли хил дастурларни бажаришга имкон берилганини маълум қилди. Жаноб Фон-Людвиг ҳам ўз таассуротлари билан ўртақлашди.

— Бу ерда кўрганимиз биз кутганимиздан ҳам ортқ бўлди,— деди «Алкатель» раҳбари,— Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олмонияга қилган сафарига бор-йўғи 6 ой бўлишига қарамай, икки ўртадаги ҳамкорлик анча олга

силжибди. Жумладан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпанияси бажармадиган Ўзбекистон ва Олмония ўртасидаги ҳаво йўли очилди. Бундан бошқа қатор ижобий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда ўзига хос муаммолар мавжуд бўлишига қарамай, имкониятлар кендир. Биз уларни ҳамкорликда ҳал қилиб бораемиз.

Делегациянинг бошқа аъзолари ҳам турли муассаларда бўлиб ўтган учрашулардан олган таассуротлари билан ўртоқлашди. Улар нефть, газ, савдо, экология, металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноати, кабел ишлаб чиқариш, пиво ишлаб чиқариш буйича немис технологиясини жорий этиш, транспорт ва телекоммуникацияни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан тақлифлар бўлганлигини таъкидлашди. Мазкур фикрлардан шуни билс бўладики, «Алкатель» фирмаси Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан катта ишларни мўлжаллаб олишган. Бу борада ҳар икки томонда иштилоқ бўлиши муҳимдир.

Ўзбекистонда тақлиф қилинган жами ҳаракат режалари Олмонияда қайта ўрганиб чиқилиши лозим. Шаҳ-шубҳа йўқ, у ерда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг янги қирралари ўзини намойиш этади. Шундай бўлишига барча учрашув қатнашчилари ишонч билдиришмоқда.

А. КУДИНОВ

## ОЛАМДА НИМА ГАП ?

\* ЯНГИЛИКЛАР \* КАБАРЛАР \* ВОҚЕАЛАР \*

● Бухорода буюк аллома, тасавуф илмининг йирик номдондаси Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллик тўйи катта тантана билан ўтказилди. Бу айёмда барча мусулмон мамлакатларидан меҳмонлар иштирок этишди.

● Ўзбекистон Президент И. Каримов АКШнинг «Юнайтед Техноложис» корпорацияси президенти Жорж Дэвид бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Америка ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ҳаётига оид долзарб масалалар муҳокама этилиб, ташкилий масалалар кўрилди.

● Туркияда Ўзбекистон маданияти кунлари очилди. Бир сафта мобайнида, жумҳуриятимизнинг бир гуруҳ танникли маданият ва санъат арбоблари қардош турк халқининг меҳмони бўлишди.

● Навоий вилоятидаги Томди туманига қарашли Жабой Болмонов номли давлат хўжалигида икки марта Меҳнат Кахрамони, Фахрий академик Ж. Болмонов таваллудининг

юз йиллиги нишонланди. Икки кун давом этган тантаналарда полковлар беллашуви, оқинлар айтишуви, кўпқари, қизқувди ўйинлари ўтказилди, хонанда ва раққосалар байрам иштирокчиларини хушнуд этишди.

● Марказий Осий мамлакатларининг хотин-қизлари конгресси тузилди. Бишкекда бўлиб ўтган ташкилий кенгашда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон хотин-қизлар кўмиталари ва уюшмаларининг вакиллари иштирок этишди.

● Абхазиядаги вазият гост кескинлигича қолмоқда. Россия мудофаа вазир Павел Грачёв Сочида Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе билан ёпиқ эшиклар ортда учрашди. Павел Грачёв Москвага қайтиб келгач уюштирган матбуот конференциясида «Грузия томони ҳам, Абхазия томони ҳам можорони тинч йўл билан ҳал қилишни хошлашмаётганини» айтди. Соҳида грузин-абхаз можорасини ҳал этиш юзасидан музокаралар давом этмоқда.

● Собқ Бош вазир Егор Гайдар Россия Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланмадиган бўлди.



Улоқ

Суратқаш А. ТҒРАЕВ

### БУГУНГИ СОНДА:

● «АЛКАТЕЛЬ»НИНГ ҚАДАМИ КЎТЎЛУФ  
● ЯПОНИЯДАН УРГАНГАН КАМ БЎЛМАЙДИ  
● ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИ-ЕТ НЕГИЗИ  
● ВАТАН ЎЗ ОСТОНАНГДАН БОШЛАНАДИ

### КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

● ИМКОНИЯТЛАР ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ  
● НУКУСДА ПОЧТАМТ ҚУРИЛАТИР  
● УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ НЕЪМАТ  
● АҲД ВА БАХТ

2

# ЯПОНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР АЛОҚАЧИЛАР МЕҲМОНИ

Тошкентга келган Япониянинг телекоммуникация асбоб-ускуналари ва тизимлари ишлаб чиқарадиган бир қатор фирма вакиллари алоҳида тавсияга муҳтож эмас. Мазкур фирмалар жаҳонда машҳур ва ўз маҳсулотларига муносиб харидор топиб, алоқа техникаси бозорига ўзига хос рақобат қила оlishади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу фирма вакиллари иштирокида икки кунлик семинар ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Т. Ғ. РАҲИМОВ очди.

Япониядаги алоқа техникаси ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонга машҳур бўлган «Фуджитцу», «Фуджикүра», «Тошиба», «Марубени» каби фирмаларнинг юқори лавозимли вакиллари ва мутахассислари Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларига техника тараққиёти янгиликлари, Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг дастлабки оқимлари хусусида сўзлаб беришди. «Фуджитцу» фирмасининг директори Мотоиро Широмизу фирма ишлаб чиқараётган электрон ускуналар, рақамли телекоммуникация тизимлари, компью-

терлар, эҳтиёт қисмлар ҳақида батафсил маълумот берди. «Фуджикүра» фирма сининг маҳсулоти бўлган турли хил телекоммуникация техникаси ҳақида шу фирма бўлимининг директори Конт Инада гапирса, «Тошиба» фирмаси вакиллари Иоснаки Усура ва Фумио Такахасилар ранг-баранг телевизор техника билан йиғилганларни таништирди. Уларнинг ахборотлари бошқа семинар иштирокчилари томонидан яна бой-тилдди. Айниқса, толали-оптик кабеллар ва замонавий техника воситалари ишлаб чиқариш борасидаги маълум-

отлар эътибор билан тингланди. Бу гал тошкентлик алоқачилар фақат тингловчи сифатида иштирок этишди. Тошкент электр алоқаси олийгоҳининг бир қатор ўқитувчи ва талабалари ҳам ўз билимларини янада бойитишди.

Япония ишбилармонлари гуруҳининг раҳбари, жаноб Мотоиро Широмизу мухбиримиз билан семинардан олган таассуротлари хусусида ўртоқлашиб, саволларга жавоб берди. Меҳмонлар қўёшли Ўзбекистон пойтахтида бўлишдан, анжуманда бўлиб ўтган учрашувдан қониқиб ҳосил қилишди.

— Биз шунга амин бўлдикми,— дейди меҳмон,— Ўзбекистондаги алоқа хизмати беқиёс ривожлантирилшига ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланишига муҳтож. Бу соҳада муаммолар кўп экан. Уларни ҳал этишда, ишончим комилки, япон ишбилармонлари иштирок этишади. Имкониятла-

ри кенг бўлган ҳамда турли-хил маҳсулотлар етказиб берувчи ва уларга малакали хизмат кўрсатишга қодир «Марубени» фирмаси Ўзбек алоқачиларининг ишончли ҳамкорлари бўлишга қодир.

Жаноб Широмизу «Ўзбекистон» меҳмонхонасидан қўшни хонада турувчи ҳамкасбига тўрт бор қўнғироқ қилиб, туша олмаганидан норози бўлиб гапирди. Буни қаранки, телефон восоз экан.

— Бизнинг Японияда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди,— дейди кулиб япониялик ишбилармон,— шу боис биз Ўзбекистонда замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган алоқани жорий этмоқчимиз. Энг илғор япон фирмалари, шунингдек, электрон телекоммуникация воситалари соҳасидаги қонушгунослар ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар. Бу борадаги амалий

режалар иш жараёнида ҳақ қилинади. Чет эл сармояларини жорий этиш, хорьядан тайёр маҳсулотлар олиб келиш, қурилиш-монтаж ишларида иштирок этиш, воситачилик қилиш ва бошқа ишбилармонларни таслиф қилиш ўзaro ҳамкорликнинг муҳим қирраларидир. Энг муҳими, биргаликдаги ҳаракатни бошлашдир. Бир-бирининг қалбимизга йўл топа оламиз деган умиддаман, — дея ўз сўзини тутатди жаноб Широмизу.

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида япон ишбилармонлари тошкентлик ҳамкасблари шарафига қабул ўтказилди. Жаноб Широмизу, Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Т. Ғ. Раҳимов, Тошкент электр алоқаси олийгоҳининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Т. Д. Ражабов табрик нутқи сўзлашди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирини К. Р. Раҳимов қабул қилди. Шунингдек, япон ишбилармонлари Тошкентнинг диққатта сазовор жойларини тамошо қилишди.

## СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

Кўрсатилаётган алоқа хизмати хусусида мижозлар фикрини билиш мақсадида турли ёшдаги бир неча юртдошларга:

1. Ҳозирги алоқа хизмати сизни қониқтирадими?
2. Алоқа хизматини янада яхшилаш учун қандай тақлифларингиз бор?
3. Жумҳуриятимизда алоқа хизмати қандай бўлишини истайсиз? каби саволлар билан мурожаат қилиб кўрдим.

**И. Тўраев, ишчи:**— Ҳозирги пайтда турмуш инкир-чикирлари қатори алоқа хизматидан ҳам нолиш кўпайиб кетди. Лекин мен почта хизматидан қониқиб сезаман. Чунки давримиз ўзгармоқда. Навқирон давлатимиз ривожланиш йўлидан борапти. Албатта бу синовда алоқа хизмати ҳам тобланамоқда.

Бошқа жойларда қандай алоқа хизмати кўрсатиляпти, бундан хабарим йўқ, аммо бизга кўрсатилаётган хизматдан қўнглимиз тўқ. Хат, рўзнома ва шопиланчюналарни ўз вақтида олиб турибмиз.

Тақлифларим эса шундай: алоқачилар бизни ҳамма нарсадан огоҳ этиб турувчи шахслар ҳисобланади. Шундай экан, улар тезкор бўлишса, мижозларнинг қўнглидагини топиб хизмат кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мустақилликка эришдикми, демек бизнинг ҳам мустақил ва ривожланган, тезкор ва замонавий

техникалар билан таъминланган почтаимиз бўлиши лозим.

**С. Зоҳидов, нафақахўр:**— Почта хизмати бундан ҳам яхши бўлса айни муддао бўларди. Мен алоқа бўлимига фақат нафақамни олгани бораман, холос. Лекин ҳеч қачон бир боришда, муродим ҳосил бўлмайди. Баъзида икки ойниқини қўшиб оламиз. Олдинлари нафақани уйга олиб келишарди. Ҳозир сўраб турмасанг, қуруқ қолиб қетаверасан. Ҳамма алоқа бўлимига бори олишга одатланиб қолган.

Биз қариялар илгаригидек нафақа пулини уйимизга келтириб беришса жуда хурсанд бўлардик. Республикасининг алоқа хизмати юксак даражада ривожланган бўлишини, бошқа давлат фуқаролари ҳавас билан қарашини истайман.

**Г. Сулаймонова, талаба:**— Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида узоқ вилоятлардан келган талаба-

ларнинг уйларига бориб келишлари жуда қимматга тушяпти. Шу боис почта орқали ота-оналаримиздан хабарлашиб туришга мажбур бўляпмиз. Алоқа хизмати-дан мамнуимиз. Хат ва шопиланчюналарни ўз вақтида, кеңиштирасдан олиб келинади. Биз ёзган хатлар ҳам вақтида ота-оналаримизга етиб турибди.

Истагим шуки, жамоат жойларида, айниқса ётоқхоналар олдида почта қўтилари кўпроқ ўрнатилса яхши бўларди. Мустақил республикамизнинг алоқа хизмати-ни бошқа давлатларникидан ажралиб туришини хоҳлайман.

**С. Бозорова, уй бекаси:**— Почта хизматига кам ишшимиз тушади. Лекин телефондан доимо фойдаланиб турибмиз. Телефон тармоғи хизматчиларига раҳмат, узогимизни яқин қилишмоқда.

Аҳолидан тушаётган шикоятлар доимо инобатга олинса, алоқа ходимлари мижозларга нисбатан самийий муносабатда бўлишса, айни муддао бўларди. Бу соҳа бошқа хизматлардан ўзининг тезкорлиги билан ажралиб туриши керак.

Жавобларни ТошДУ талабаси Э. ЭШОНҚУЛОВ ёзиб олган.



Чўмилдиш завқи Суратқаш Н. МУҲАМАДЖОНОВ

## ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Илгари хабар берилганидек, «Хабар» газетаси 1993 йил мобайнида чоп этилган энг яхши мақола ва фотосуратлар учун оқибат таълово ўтказмоқда. Бу танловни ташкил этишдан мақсад, мустақиллик йўлига кирган жумҳуриятимиз аҳолисинга алоқа хизмати кўрсатишини янада яхшилаш борасидаги тақлифларини ўрганиш билан бирга соҳа муаммоларини матбуот саҳифаларинга олиб чиқиш ва энг яхши алоқачилар ҳаётини кенгроқ ёритишдан иборатдир.

Йилнинг ўтган даврида икки бор танловнинг дастлабки якунлари кўриб чиқилиб, ғолиблар ребатлантирилди. Шунинг эътибори билан, тахририят танлов ғолибларига бериладиган мукофот пулини икки баравар ошириб, икки минг сўм қилиб белгиледи.

Кейинги икки ой мобайнида танловга ўнга яқин мақола ва фотосуратлар тақдим этилди. Уларнинг кўпчилиги «Хабар» саҳифаларида чоп этилди. Танлов ҳаёти бу галги му-

кофотни Тошкент давлат доиринининг журналистика куллиятининг IV йил толиби Бахтиёр ХУДОЙБЕРДИЕВга беришни лозим топди. Шу даврда ёш, изланувчан муаллимнинг «Йиқ ва соғинч остонаси», «Кўнгли шимши синмаси», «Ебегарас муҳаббат соҳиб» сарлаҳали мақолалари муштарийлар ҳукмига ҳавола этилди.

Танлов давом этади. Мақола ва фотосуратларингизни кутамиз.

## ЭСКИРГАН ҚОИДАЛАР ЯНГИЛАНАДИМИ?

Хурматли Бош муҳаррир!

«Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?» рукнини очиб, хайрли иш бошлабсизлар. Агар рўзноманингизда бериладиган саволларга жавобан қўйиладиган муаммоларга Алоқа вазирлигининг мутасаддилари ҳолисона, ошқора, аниқ жавоб берсалар, «Хабар»га ишонч ортиб, муштарийлар давраси янада кенгайган бўларди.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам ўз муаммомиз, фикр ва мулоҳазамизни баён қилдик.

Телефон узоқни яқин қилади, вақтни тежайди. Бу оддий ҳақиқатни телефон алоқаси ходимлари қанчалик билишадими, унга қанчалик амал қилишади? Маълумки, телефоннинг ишламай қолса «08» хизматига буюртма берасиз. У ердаги робот: «Аризангиз қабул қилинди. тузатиш чоралари кўрилади» деб, ҳар гал бир гални тўтиқушдек тақоррайверади. Аммо ҳамма вақт ҳам «робот»нинг айтгани

ни бўлавермайди! Шунда сиз ўзингизга хизмат кўрсатаётган АТС мутасаддиларига бевосита қўнғироқ қилмоқчи бўлиб, «09» хизматига сям қўқасиз. «Бу маҳсус алоқа ҳеч унинг рақамини сизга ҳеч ким айтмайди» деган жавобни оласиз. Қани энди айтгинчи, бу телефонлар кимнинг узоқни яқин қилади кимга хизмат кўрсади, кимнинг вақтини тежайди? Наҳотки мижоз пул тўлагач, унга

хизмат қилиши керак бўлган телефонда бирор жойга қўнғироқ қилолмай, иш вақтини, бун вақтини бекордан бекорга сарфлаб, АТСга икки оғиз дардини айтиш учун сарсон-саргардон бўлиши керак?! Ҳар бир телефон станцияси ходимлари абонентга хизмат кўрсатиш маданиятини оширган ҳолда ускуналарни вақти-вақти билан кўридангиз ўтказиб туриш учун маъсул эмасми?

Хуллас, телефондан мижозларни оворас-сарсон қиладиган қоидаларни ўзгартириш вақти етмадимикан? Ана шу ҳақда газетангиз орқали Тошкент шаҳар телефон станциясидаги мутасадди ўртоқларингиз фикрларини билишни истардик.

Т. АБАЗОВ



# ОГОҲ, БЎЛИНГ!

Ривожланган давлатларнинг алоқа соҳасидаги ютуқлари чуқур ўрганилаётгани, алоқа хизмати кўрсатишнинг замонавийлаштирилиши, яъни алоқа воситаларининг жорий этилиши, қўшма корхоналар ташкил қилиниши, ма-лакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик — бу-ларнинг барчаси Ўзбекистонда алоқа хизматини ривож-лантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлардан дало-лат беради.

«Алтел» — Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, корхона соҳа раванқига ўзининг муносиб ҳиссасини қў-шишга интилмоқда. «Алтел»нинг бош директори Али-шер АБДУЛЛАЕВ ва бош директорнинг биринчи ўрин-босари Орф ГУНДУЗЛИ билан корхонанинг бугунги кунги ҳусусида суҳбатлашдик.

— Алишер ака, қўшма корхонанинг ташкил этили-ши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг ривож-ланиши Ўзбекистонда алоқа хизмати кўрсатиш тизимини тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Замонавий алоқа воситаларини хориждан кел-тириб йўлга қўйиш кўп вақт ва катта ҳарajatларни талаб қилади. Бундай во-ситаларни жумҳуриятимиз-да ҳам ишлаб чиқариш мум-кин. Ана шу мақсадда Ўз-бекистон Алоқа вазири-лиги, Туркиянинг «Телеташ» фир-маси ва Тошкентнинг «Ал-горитм» заводи раҳбарлари 1992 йилнинг май ойида қўшма корхона ташкил этиш ҳусусида келишиб олган эдилар. Электр алоқаси учун зарур бўлган янги алоқа воситалари ишлаб чиқариш нафақат Ўзбекистон, балки бошқа Ўрта Осиё давлатла-ри учун ҳам зарурлиги ту-файли мураккаб алоқа во-сита ва жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган замонавий «Алго-ритм» заводи қошида қўшма корхона тузишга қарор қи-лдиди.

— Корхонанинг бугунги кундаги фаолияти билан та-ништирсангиз.

— Даставвал шуни айтиб ўтишим керакки, «Алго-ритм» заводи раҳбарияти корхонамизга катта ёрдам кўрсатмоқда. Бизга беш

ҳурятимизнинг қишлоқ ша-ронтида электр алоқасини ривожлантириш мақсадида «Телеташ» фирмаси техно-логисси асосида «Левент» системасида ишлайдиган ки-чик АТСлар яратиш устида фаолият кўрсатмоқдамиз. Бундай АТСлар бемалол шаҳарлараро ва халқаро те-лефон тармоғига боғлана олади. Шунингдек, мавжуд электромеханик телефон станцияларини янгилаш ва таъмирлаш учун зарур те-лефон коммуникацияси жи-ҳозларини ишлаб чиқариш, телефон тармоғини замона-вийлаштиришга кўмакла-шишни мақсад қилиб қўй-ганмиз.

лият доираси жиҳатидан жа-ҳондаги энг кўпга кўринган фирмалардан ҳисобланади. У Европанинг катта қисми-ни алоқа хизмати билан таъ-минлайди.

«Телеташ» эса Осиёни жа-ҳон билан боғлаш, халқаро электр хизматини кўрса-тиш, замонавий алоқа воси-таларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўрта Осиё жумҳуриятлари муста-қилликка эришганидан ке-йин қардошларимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга катта йўл очилди. Жумладан, Ўзбекистонда алоқа хизматини ривожлан-тириш, муаммоларни ҳам-жиҳатликда бартараф этиш йўлидаги илк қадам «Ал-тел» қўшма корхонасининг ташкил этилиши бўлди.

Ўзбекистон имкониятлар-га жуда бой давлат. Ҳўлай-манки, замонавий техноло-гия қўллаб, мадакали мута-хассислар фаолият кўрса-тишса, барча соҳалар бўй-ча бу юрт жаҳонда муносиб ўрнини эгаллайди.

— Алишер ака, режалар нималардан иборат?

— Асосий режаларимиз жумҳуриятимизнинг қиш-лоқ жойларида замонавий ки-чик АТСлар қуриш, тур-ли корхоналар, муассаса-лар учун ҳам АТСлар, те-лефон иншоотлари, концен-траторларни ишта тушириб беришдир.

Келгусида Жанубий Ко-реянинг «Даево» фирмаси билан ҳамкорликда замона-вий технологияни ўзлашти-риш ва уни Ўзбекистонга тадбиқ этишни режалаш-тирганмиз. Мақсадимиз жумҳуриятимизда алоқа хизматини ривожлантириш-га муносиб ҳисса қўшиш-дир.

Суҳбатдош  
Ф. ҲОШИМОВ

## ҲАМКОРЛИК— ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

нинг квадрат метр майдон-да жой ажратилиб, цехимиз зарур техника билан таъ-минланди. Бугунги кундаги жиҳозларимизнинг 70 фоизи ўзимизда тайёрланган бў-либ, қолган 30 фоиз энг зар-ур мосламалар Туркиядан келтирилган.

Корхонамиз замонавий те-лекоммуникация воситала-ри, катта ва кичик автома-тик телефон станциялари, турли телефон аппаратла-ри ишлаб чиқаришга ихти-сослашган. Ҳозирда ихчам ва фойдаланиш учун қўлай телефон аппаратлари яра-тишни йўлга қўйдик. Жум-

— Жаноб Гундузли, сиз юртимизда алоқа хизмати тармоғини ривожлантириш йўлида иш юритмоқдасиз. «Телеташ» фирмаси ҳусу-сида ҳамда жумҳурият-миздан олган таассуротла-рингиз ҳақида сўзлаб бер-сангиз.

— Туркиянинг «Телеташ» фирмаси телекоммуникация борасида Осиёдаги йирик алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналардан ҳисобланиб, Франциянинг «Алкател» фирмаси қарамоғида фа-олият кўрсатади. Маълумки, «Алкател» ўзининг техни-кавий имкониятлари, фао-

## ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАНМИЗ

Где принимаются заказные письма?  
— Есть конверты?  
— Дайте конверт (два, три конверта)  
— Я хочу отправить посылку в...  
— Что вы посылаете?  
— Я хочу послать яблоки (орехи, урюк)  
— Нет ли посылки на мою нямя?

— Буюртма хатлар қаерда қабул қилинади?  
— Хатжялд борми?  
— Менга битта (яккита, учта) конверт беринг.  
— Мен шу юбортманя...га юбормоқчи эдим.  
— Сиз нима юбормоқчисиз?  
— Мен олма (янгоқ, ўрик) юбормоқчимян.  
— Менинг номинга юбортма келмадимми?

Да, вам есть посылка  
Дайте извещение и паспорт  
Распишитесь  
Где можно позвонить по телефону?  
Где справочное бюро?  
Я хочу разговаривать с Москвой  
Назовите фамилию вызываемого и его адрес

— Ҳа, Сизга юбортма бор.  
— Қани, тақлиф қоғози ва паспортингизни беринг.  
— Иншо қўйинг.  
— Қаердан телефон қилиш мумкин?  
— Маълумотлар берадиган идора қаерда?  
— Мен Москва билан гап-лашмоқчи эдим.  
— Кимга хабар қилишишни ва унинг манзилгоҳини айтинг.

Телефоннинг беминнат хиз-мати тўфайли мол-мулкдан айрилган шахс энг аввало бунга ўзлари йўл очганини бирдан англаб етмаса ҳам керак. Шу боис савдо-сотик билан шуғулланувчи ва ўз хо-ҳишини телефон орқали бажаришга интиланлар ҳар доим эҳтиёт бўлмоқчи фойдалани-чи бўлиб қўйишади. Ҳозирги кун-да телефон орқали ҳаракат қилётган «ишбилармонлар-нинг манзилгоҳини аниқлаш-унчалик мушкул юмуш бўлмай қолди. Қараб турибсизки, бир-ор дафта ўтар-ўтмас олдин-роқ кўнгироқ қилган шахс ба-майлихотир ташриф буюриб, кўфя ниятларини амалга ошир-ганча, уй эгасини доғда қол-дириб кетади.



## АЛОҚА ТАРИХИДА АВТОМОБИЛ ВА ТРАМВАЙ ПОЧТА ХИЗМАТИДА

Почта хизматини ташкил этишда автомобиль транс-порти воситаларидан фойда-ланиш гоёси дастлаб Гер-манияда туғилган эди. 1898 йилдаёқ немис почта муасса-си почта хизматини йўлга қўйишда автомобилдан фой-даланишга қарор қилди. Чун-ки ўша вақтдаёқ Берлинда шаҳар почта муассасаси кў-лаб хатларни темир йўл вок-залига етказиб бериш билан бевосита шуғулланганди.

1913 йили бор-йўғи 24 та автомобилга эга бўлган эди. Улар асосан Петербург, Мос-ква ва Одессанинг ички ша-ҳар почта хизматини адо этар эди. 1924 йилга келиб почта муассасаси почта-йў-ловчи хизматини амалда қор-йи эди. Бу хизмат Ялта-Севастополь ва Ялта-Симфе-рополь оралиғида йўлга қў-йилди. Харажатлар йўлов-чилар ташин ҳисобидан қо-ллана эди.

Кейинчалик почта алоқа-сини кенг йўлга қўйишда трамвайдан ҳам фойдаланил-ди. Утган асрнинг тўқсонин-чи йиллари Америка Қўшма Штатларининг турли шаҳар-ларида почта трамвай вагон-лари пайдо бўлди. Бундай трамвайлар ўз йўналишини ники қисмга бўлиб адо этар-

ди. Почта идораси хизмати билан бирга йўловчиларни манзилга элтиб қўйиш почта трамвайлари зиммасида эди. Трамвайларда махсус поч-та кутилари ҳам ўрнатилган эди. Йўловчилар хат-хабар-ларини шу кутиларга таш-лар, ўзлари учун зарур бўл-ган почта маркаларини хар-ид қилардилар.

Почта трамвай вагонлари XX аср бошларида Европа-нинг кўпгина шаҳарларида қатнай бошлади. Пигирман-чи йилларда эса улар Мос-ква, Харьков, Ленинград шаҳарлари оралиғида почта хизматини адо этди. Албат-та, йўловчиларни ташин ҳам асосий диққат марказда бў-лди.

А. АЛНОВ тайёрлади

«Хабар» газетаси жамоаси «Шарқ юлдузи» ойна-сининг масъул котиби, ёзувчи Тоҳир Маликча волидаи муҳтарамаси  
Санобархон ИСМОИЛХУЖА қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади



Пиру бадавлат бобо Суратқаш С. МАҲҚАМОВ

# Экранда Кўринг!

## ДУШАНБА

27 СЕНТЯБРЬ

● УЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.

18.10 Баҳоуддин Нақибанд хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро мусобақалар.

18.35 «Пахта ҳосилини ёнгиридан сақийлаш».

18.55 Эълонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 Эълонлар.

19.25 «Ботаника ботқиди». Телефильм.

19.40 «Рангоса хиром этганда». Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Гулмира Ширинова.

20.10 Оқшом эртанлари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.00 «Ешлик» студияси. «Отлар сўзи — айтилган кўзи».

22.05 «Марду майдон». Жилжаз виллоятдан кўрсатув.

23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Афсона»-Иби Сино Ватани». Телефильм.

19.30 «Ассалому алайкум!» [тақрор].

20.30 «Бизнинг судбат».

21.00 «Ешлик кўнган яхши».

21.20 «ДАН: йўлнинг бехатар бўлиши».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.

6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика.

6.45 «Тонг».

9.00 Янгиликлар.

9.20 «Нур оҳанглирида сайра».

10.10 «Турмуш ичир-чиқирлар».

10.45 «Мавзу».

11.30 «Гол».

12.00 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

15.25 «Телемакс».

16.10 «Пешова».

16.35 «Мумд қўчасида байрам».

17.20 «Иқболни кулганда».

18.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

18.25 Мультифильм.

18.40 «Гол».

19.10 «Хужжатлар ва тақдирлар».

19.20 «Кеча, бугун, эртага». Мария Миронова.

20.10 «Хаританинг акс садо».

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Турмуш ичир-чиқирлар».

21.55 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» танштиради:

22.15 «Бомонда».

22.20 «АТВ-брокер».

22.30 «ТВ-галерея».

22.50 «Мен».

22.55 «Кибор-2000».

01.05 «ТВ-Х».

Танаффус пайтида — [24.00] Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.

8.30 Ишбилармон кишилар даври.

9.00 «Россияда бизнес».

9.30 Тонги концерт.

9.45 «Мултанг мафрийн».

10.45 Хонаки эран. «Васса».

Бадий телесериал премьераси, 18-серия.

21.55 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» танштиради:

22.15 «Бомонда».

22.20 «АТВ-брокер».

22.30 «ТВ-галерея».

22.50 «Мен».

22.55 «Кибор-2000».

01.05 «ТВ-Х».

Танаффус пайтида — [24.00] Янгиликлар.

## ДУШАНБА

27 СЕНТЯБРЬ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

10.00 «Мусликй сино». Еш астрада артистарининг концерт.

21.00 Душанба нуни детектив. «Лаки страйн» танштиради. «Гуоух». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.25 Спорт кўрсатув.

22.35 «Экспонарз танштиради».

22.50 «Формула-1» классида автогонка бўйича жаҳон чемпионати. Португалия гранпри.

● УЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

7.30 «Эй, судб! сабо...». Лириқ концерт.

7.50 «Юйилмақан Гоша». Мультифильм. 1—2—3-фильм.

8.00 Мутхасис маслаҳати.

8.10 «Бийик кўйган яхши».

8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

9.00 «Албисанинг севгиси». Бадий фильм.

10.20 «Ешлик» студияси. «Оромгоҳ кўйида».

10.30 «Тареланинг ўлими». 2-серия.

10.40 «Биз раислари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.

15.05 Миллий сивбат хроникаси.

15.25 Янгиликлар.

15.40 «Рост» студияси.

16.10 «Телегазета».

16.15 Духовий мусиқа концерти.

16.45 «Трансфасир».

17.30 «Дангитан асровчилар».

«Петербургнинг кичин сирин».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 «Асил ҳолича...».

21.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 224-серия.

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».

22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.45 «А. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида».

● УЗТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Уолт Диней танштирад...». Мультифильмлар тўплами.

20.10 «СВ-экспресс».

20.45 «Алоқалар ва шартнома».

21.00 «Иқболни кулганда».

21.45 «Абадий қонунни». Телефильм.

22.00 «Инсон ва замани». Бугун виллоятдан кўрсатув.

23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика.

6.45 «Тонг».

9.00 Янгиликлар.

9.20 «Тинглаб, томоша қилин».

9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

10.30 «Инсон ва қонун».

11.00 И. Стравинский. «Петрушка» балети.

11.50 «Матбуот-экспресс».

12.00 Янгиликлар.

12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч сериали телевизион бадий фильм премьераси, 4-серия.

15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

15.25 «Ишбилармонлар хабарнома».

15.40 «Адам Сант бойлиги дунёси».

16.10 «Ен дафтар».

16.15 «Йш».

16.25 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси.

16.30 «Компас-эртан».

17.30 «Технодрама».

18.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

18.25 «ИМДЖ: келишмовчиликдан ҳамқишлоқликка».

18.30 «Хужжатлар ва тақдирлар».

19.05 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

19.55 «Мавзу».

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!».

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Хеч нарса ҳақида репортаж».

21.40 Балет артистары VII халқаро ташови кундангити.

21.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канал режиссер Клод Шаброль фильмлари ретроспективасининг танштиради. «Кюлли тўй». Бадий фильм премьераси [Франция, Италия].

23.35 Катталар учун мултифильм.

24.00 Янгиликлар.

00.35 «Талаб қилган кино».

01.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт [Франкфурт, Германия] — «Динамо» [Москва, Россия]».

## ЧОРШАНБА

29 СЕНТЯБРЬ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.

8.30 Ишбилармон кишилар даври.

9.05 «45» публицистик кўрсатув.

12.00 Юбилей \* фильмотекасидан «Тареланинг ўлими». Б. А. Товстогов саҳналаштирган. 1-серия.

13.00 «Дехқонларга таалуқли масала».

13.20 «Тареланинг ўлими». 2-серия.

14.30 «Биз раислари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.

15.05 Миллий сивбат хроникаси.

15.25 Янгиликлар.

15.40 «Рост» студияси.

16.10 «Телегазета».

16.15 Духовий мусиқа концерти.

16.45 «Трансфасир».

17.30 «Дангитан асровчилар».

«Петербургнинг кичин сирин».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 «Асил ҳолича...».

21.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 224-серия.

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».

22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.45 «А. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида».

● УЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

7.30 «Кўлга олдим созини».

7.50 «Юйилмақан Гоша». Мультифильм. 4—5—6-фильм.

8.00 Дунё воқеалари.

8.15 «Кўнук болалар».

8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.

9.10 «Янгра, кўнглим...». Концерт.

9.45 «Ишфор оқим».

10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликларини [АҚШ].

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.

18.10 «Ешлик» студияси. «Ишоич».

18.40 «Хирмоннигизга баракан».

18.55 Эълонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 Эълонлар.

19.25 «Тасвирдаги қўшиқ».

Ҳайкатларош Нозимов.

19.55 «Вайғак». Телефильм.

20.10 Оқшом эртанлари.

20.25 Эълонлар.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика.

6.45 «Тонг».

9.00 Янгиликлар.

9.20 «Тинглаб, томоша қилин».

9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

10.30 «Инсон ва қонун».

11.00 И. Стравинский. «Петрушка» балети.

11.50 «Матбуот-экспресс».

12.00 Янгиликлар.

12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч сериали телевизион бадий фильм премьераси, 4-серия.

15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

15.25 «Ишбилармонлар хабарнома».

15.40 «Адам Сант бойлиги дунёси».

16.10 «Ен дафтар».

16.15 «Йш».

16.25 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси.

16.30 «Компас-эртан».

17.30 «Технодрама».

18.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

18.25 «ИМДЖ: келишмовчиликдан ҳамқишлоқликка».

18.30 «Хужжатлар ва тақдирлар».

19.05 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

19.55 «Мавзу».

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!».

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Хеч нарса ҳақида репортаж».

21.40 Балет артистары VII халқаро ташови кундангити.

21.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канал режиссер Клод Шаброль фильмлари ретроспективасининг танштиради. «Кюлли тўй». Бадий фильм премьераси [Франция, Италия].

23.35 Катталар учун мултифильм.

24.00 Янгиликлар.

00.35 «Талаб қилган кино».

01.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт [Франкфурт, Германия] — «Динамо» [Москва, Россия]».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 225-серия.

21.20 «Экспонарз танштиради».

21.25 «Анапа-93».

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

## ПАЙШАНБА

30 СЕНТЯБРЬ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.

8.30 Ишбилармон кишилар даври.

9.05 «45» публицистик кўрсатув.

12.00 Юбилей \* фильмотекасидан «Тареланинг ўлими». Б. А. Товстогов саҳналаштирган. 1-серия.

13.00 «Дехқонларга таалуқли масала».

13.20 «Тареланинг ўлими». 2-серия.

14.30 «Биз раислари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.

15.05 Миллий сивбат хроникаси.

15.25 Янгиликлар.

15.40 «Рост» студияси.

16.10 «Телегазета».

16.15 Духовий мусиқа концерти.

16.45 «Трансфасир».

17.30 «Дангитан асровчилар».

«Петербургнинг кичин сирин».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 «Асил ҳолича...».

21.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 224-серия.

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».

22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.45 «А. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида».

● УЗТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Уолт Диней танштирад...». Мультифильмлар тўплами.

20.10 «СВ-экспресс».

20.45 «Алоқалар ва шартнома».

21.00 «Иқболни кулганда».

21.45 «Абадий қонунни». Телефильм.

22.00 «Инсон ва замани». Бугун виллоятдан кўрсатув.

23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика.

6.45 «Тонг».

9.00 Янгиликлар.

9.20 «Тинглаб, томоша қилин».

9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

10.30 «Инсон ва қонун».

11.00 И. Стравинский. «Петрушка» балети.

11.50 «Матбуот-экспресс».

12.00 Янгиликлар.

12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч сериали телевизион бадий фильм премьераси, 4-серия.

15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

15.25 «Ишбилармонлар хабарнома».

15.40 «Адам Сант бойлиги дунёси».

16.10 «Ен дафтар».

16.15 «Йш».

16.25 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси.

16.30 «Компас-эртан».

17.30 «Технодрама».

18.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

18.25 «ИМДЖ: келишмовчиликдан ҳамқишлоқликка».

18.30 «Хужжатлар ва тақдирлар».

19.05 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

19.55 «Мавзу».

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!».

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Хеч нарса ҳақида репортаж».

21.40 Балет артистары VII халқаро ташови кундангити.

21.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канал режиссер Клод Шаброль фильмлари ретроспективасининг танштиради. «Кюлли тўй». Бадий фильм премьераси [Франция, Италия].

23.35 Катталар учун мултифильм.

24.00 Янгиликлар.

00.35 «Талаб қилган кино».

01.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт [Франкфурт, Германия] — «Динамо» [Москва, Россия]».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 225-серия.

21.20 «Экспонарз танштиради».

21.25 «Анапа-93».

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 225-серия.

21.20 «Экспонарз танштиради».

21.25 «Анапа-93».

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

## ПАЙШАНБА

30 СЕНТЯБРЬ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.

8.30 Ишбилармон кишилар даври.

9.05 «45» публицистик кўрсатув.

12.00 Юбилей \* фильмотекасидан «Тареланинг ўлими». Б. А. Товстогов саҳналаштирган. 1-серия.

13.00 «Дехқонларга таалуқли масала».

13.20 «Тареланинг ўлими». 2-серия.

14.30 «Биз раислари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.

15.05 Миллий сивбат хроникаси.

15.25 Янгиликлар.

15.40 «Рост» студияси.

16.10 «Телегазета».

16.15 Духовий мусиқа концерти.

16.45 «Трансфасир».

17.30 «Дангитан асровчилар».

«Петербургнинг кичин сирин».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 «Асил ҳолича...».

21.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 224-серия.

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».

22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.45 «А. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида».

● УЗТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Уолт Диней танштирад...». Мультифильмлар тўплами.

20.10 «СВ-экспресс».

20.45 «Алоқалар ва шартнома».

21.00 «Иқболни кулганда».

21.45 «Абадий қонунни». Телефильм.

22.00 «Инсон ва замани». Бугун виллоятдан кўрсатув.

23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика.

6.45 «Тонг».

9.00 Янгиликлар.

9.20 «Тинглаб, томоша қилин».

9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

10.30 «Инсон ва қонун».

11.00 И. Стравинский. «Петрушка» балети.

11.50 «Матбуот-экспресс».

12.00 Янгиликлар.

12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч сериали телевизион бадий фильм премьераси, 4-серия.

15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

15.25 «Ишбилармонлар хабарнома».

15.40 «Адам Сант бойлиги дунёси».

16.10 «Ен дафтар».

16.15 «Йш».

16.25 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси.

16.30 «Компас-эртан».

17.30 «Технодрама».

18.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

18.25 «ИМДЖ: келишмовчиликдан ҳамқишлоқликка».

18.30 «Хужжатлар ва тақдирлар».

19.05 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

19.55 «Мавзу».

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!».

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Хеч нарса ҳақида репортаж».

21.40 Балет артистары VII халқаро ташови кундангити.

21.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канал режиссер Клод Шаброль фильмлари ретроспективасининг танштиради. «Кюлли тўй». Бадий фильм премьераси [Франция, Италия].

23.35 Катталар учун мултифильм.

24.00 Янгиликлар.

00.35 «Талаб қилган кино».

01.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Айнтрахт [Франкфурт, Германия] — «Динамо» [Москва, Россия]».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 225-серия.

21.20 «Экспонарз танштиради».

21.25 «Анапа-93».

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 225-серия.

21.20 «Экспонарз танштиради».

21.25 «Анапа-93».

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

## ДУШАНБА

27 СЕНТЯБРЬ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.

8.30 Ишбилармон кишилар даври.

9.05 «45» публицистик кўрсатув.

12.00 Юбилей \* фильмотекасидан «Тареланинг ўлими». Б. А. Товстогов саҳналаштирган. 1-серия.

13.00 «Дехқонларга таалуқли масала».

13.20 «Тареланинг ўлими». 2-серия.

14.30 «Биз раислари бўйича Россия чемпионати. Лотин Америкаси программаси.

15.05 Миллий сивбат хроникаси.

15.25 Янгиликлар.

15.40 «Рост» студияси.

16.10 «Телегазета».

16.15 Духовий мусиқа концерти.

16.45 «Трансфасир».

17.30 «Дангитан асровчилар».

«Петербургнинг кичин сирин».

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 «Асил ҳолича...».

21.30 Хонаки эран. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телесериал премьераси. 224-серия.

22.00 Турния \* телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Сизнинг ҳуқуқингиз».

22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».

22.45 «А. Сахаров номли II халқаро санъат фестивалида».

● УЗТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].



Шарқда қадимдан турли хил алоқа воситаларидан кенг фойдаланилган. Узоқ-яқин мамлакатларда истиқомат қилувчи қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар, ошқамашуқлар ўртасидаги воситачиликни учар қушлар, қанотли ва қанотсиз отлар бажарган. Кейинчалик дostonлару эртақлардаги хабарчи кабулар, булбул, турна, отлар турли яхши-ёмон хабарларни етказиб турган. Еки гуллар, рўмолчалар, кийимларнинг ранги орқали ҳам одамзод руҳий олами аён этилганки, бундай одат бугунги кунгача сақланиб қолган. Масалан, қизил гул ёки қизил ранг (ни) билан тикилган рўмолча севги-садоқат маъносини аниқлаган ва сариқ ранг ҳижронни билдирган.

Йиллар ўтиши билан рамзий белгилар ўрнини дил изҳори бўлган хатлар (мактублар) эгаллади. Айниқса, бугунги кунда ҳеч ким ўза ҳаётини хатсиз, алоқа воситаларисиз тасаввур қилолмайди. Биз мактублар орқали узоқ жойларда яшаётган қариндош-уруғ, дўст-ёронлар билан боғланимиз. Модомки, шундай экан, хат-хабар барчанинг, шу жумладан, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, А. Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти кафедра мудири Малик Муродовнинг ҳаёти, илмий-ижодий, жамоатчилик фаолиятида, алоҳида ўрин тутди. Шу боис профессор М. Муродов ўзининг «Одобнома» китобидаги бир бобин «Хатлар — дилдан дилга солинган салмоқдор кўприклар» деб номлаган.

Дарвоқе, 50 дан ошқ китоблар ёган ва чоп эттирган, ўттиздан зиёд фан докторлари-ю номзодларига устозлик қилган домланинг иш услубидаги биргина йўналиши — устоз-шогирдлик муносабатидаги меҳр-муҳаббат, садоқату эътиқод дил номаларида ўзини намойиш этади. Хатлар... хатлар... хатлар. Уларнинг сон-саногини йўқ. Мактубларда айтинган дардлар, бидирилган фикрлар, ўзаро меҳр-муҳаббатлар чексиз. М. Муродов номига келган хатларни Ўзбекистоннинг барча туманларидан, Молдавия, Россия, Украина, Ёқустон, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркиманстон, Татаристон, Тоғли Олтой, Гуркистон, Туркия, Афғонистон, Мўғулистон, Олмония, Хитой, Польшадаги ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари битган. Дил изҳорини баён қилиб, домла билан дардлашувни истаганлар орасида академиклар шoirу ёзувчилар, олимлар, адабиётшунос, фольклоршунос, этнограф, тарихчи олимлар, унлаб шогирдлар, бахши-ю кўшиқчилар, эртақчи-ю ларқчилар, ёшлару қарилар, ишчи-деҳқону, зиёлилар, талаба-ю мурабийлар бор.

Хатлар мазмундор, мароқли. Қайсидир хат охирида сўроқлар қўйилса, бошқасида ундоб белгилари, ўртасида сатрлар тағига турли чизиклар тортилган. Айрим хатларда кўз ёшларнинг изи қолган бўлса, бошқасида ҳеч қанақа белги учрамайди. Шу сон-саногини хатлар орасида устоз дилига малҳам бўлгани, дарду-аламларини эритиб, кўз ёши тарзида қорғозга тўқналари ҳам, дил ташаккури бўлиб битилганлари ҳам талай. Мана айримларидан олинган сатрлар:

«Ассалому алайкум Қўнтан тоғдек сунчиим бўлган меҳрибон акам ва домлам Малик Муродов! ...Хурмагли Малик ака, бу одамзод нималарин кўр-

майди? Бўш бўлса, сувдан ҳам суюқ, қаттиқликка олса, пўлатдан ҳам мустаҳкамдир. Бу кулфат кимларнинг бошига тушмайди, ўзингизни пўлатдан қаттиқроқ тутинг. Бу ўлим, бу айрилиқ фақатгина мардларни синдира олмайди. Мард одамсиз ва мардона юраверинг. Мен ноябрнинг 20—25 кунлари Тошкентда бўлиб, онангиз ҳақидаги йўқотилгани эшитдим, аммо Сизни кўрмадим...

Мени эслаб хат ёганингиз учун катта раҳмат! Хиз-

дай ҳол «Шарқ юлдузи», «Гулнiston» «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Фан ва турмуш» каби редакцияларда ҳам такрорланиб келмоқда.

Азиз Маликжон, менинг бутун умримни сарфлаб ёзганларим халқимга керак бўлса, бир кун тошб олар...

Хозир мени кейинги бахшилар: Қодир, Қора, Бекназар, Чори, Қазратқул, Хушвақтларнинг ижодий фаолияти ўйлантиради. Булар билан учрашиб аниқ йўнашиш, ёрдам бериб, асарларини ёзиб олиб, руҳан кўтариб борилмаса, фольклоримизда етакчи жанр бўлиб келган дostonчилик сўниб қолади, узиллиш келиб чиқади. Шоирлар ўтган бўлса ҳам халқ бахшичилиги ўтмасин, давом этсин.

Домий «Жулдуз», (қозғочча), «Алатов» (қирғизча), «Азербайжан», «Қазан ўтлари» (татарча)ни ўқиб боргани сабабли, шу масалада бизлар туркий қардош-қавмдошларимиздан орқада қолаётганимизни деб номусда қоламиз.

Хайр, Абдуваликжон, тоғуниб сўзлашгангача омон бўлинг. Сизга бақувват соғлик, илмий-ижодий ишингизга ютуқ, ўзингизга камолат тилаб

масдан, деярли шунча таҳлил қилди. Йўқ-йўриқ кўрсатди. Аммо бирон жойида «бўлмайди», «ёмон» деган сўзни ишлатмади. Эртасига ўзна шогирдини қақиртирди, мақолани бериб: «Яхши ёзибсиз, бону! Фикрларимни битиб қўйдим. Синчиқлаб кўриб чиқинг, эрта-индин олим бўласиз-а», дея қўшиб қўйди. «Йўқотмай сақлаб қўйинг, бир пайт кексайганга керак бўлади», деди. Шогирд ҳам: «Устоз, йўқотмайман, хатларингизга икки папка тўлди» дея жавоб қайтаради. Шунда суҳбатга гўвоҳ бўлиб турган камини домланинг ўзимга битган беш юзга яқин хатини эсладим ҳар бир шогирдга шумчадан хат ёзишга вақт, имкон топишига ҳайрон қолдим. Уларнинг ўзи ҳақида бир китоб битса бўлади.

Аммо бунга имкон йўқ. Домланинг шогирдларига муносабатини қўйидаги хатдан келтирилган парчадан ҳам билиш мумкин.

«Саломнома бу! Ассалому алайкум мулло ва тилло, фан номзоди-ю, таниқли мурабий А. О. Э. ўғиллари!

...Энди гапларимга яхши-лаб қулоқ сола, бошқа майда-чуйдаларга эътибор қилмай туриб, мактубимда де-

сиз дунёда қўлингдан келган ишни урдалаб, чорак асп тўллаганларингиз таҳлил қилиб, югур-югур ўрнига илм билан шугулланиб, каттароқ олим бўлу ёшингни яша, ошингни оша... Қўёшин қайтариб бўлмаганидек, шунча тўллаган материалларингиз, кузатган далилларингиз йўқ деб пинҳон сақлай олмайсан-ку?

4. «Фольклор ва замон» китобидан ўзинг ёзиниғ лозим бўлган қисмини қачон топишасан? Шунча беғам бўласанми? Намунча мени билдирлаб койитаверасан? Ваъда-ю инсофини оти нима? Тез тугатиб кел, китоб тушиб кетсин. Уғаларни ҳам қаратиб қўйинг...

5. Амир Темур ҳақидаги асарларини қўйидагича тузган маънуй:

1-жилд. Афсоналар, ривоятлар, термалар.

2-жилд. Рузан бахшиниғ «Сохиқориниғ турғилиши» ва Разоқ бахшиниғ «Оқсоқ Темур» дostonлари.

3-жилд. Чори бахши Умаровниғ «Темурнинг турғилиши ва ёшлиғи» ҳамда Қаҳҳор бахшиниғ «Темур ва Бозид» дostonлари.

6. «От — инсонга қанот» китобиниғ бир қисмини «Нур»га топширдим. Қолгани яқинда машинада чиқади.

7. «Олланазар Олчинбек»ни яхши ёзиб олибсан. От ўрнини той босар, Қаҳҳорни бо ютуғи билан қўтлаб қўй... Хуллас, яна дostonчи, дигимизга, анганаларимизга қайтамиз чоғи, чунки қизиқли катта: «Тошкент оқшоми» ҳам Тошкент фольклори ҳақида бўлиш оқди.

8. Қарши Давлат дорулфунуни доценти, онахон тилчи Таслия опа Ядиханова домланг мен билан суҳбатда: «Қадимги туркий тили»ни ўтиш жараёнида бир қанча иборалар ва айрим ривоятлар тўплаганини айтди. Ушлар билан танишиб чиқки, фольклор асарини ёқуд ёзма манбалар асосида яратилганим?

9. Яна бир гап: «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Халқ сўзи» ҳамда бошқа газета, ойналарга адабиёт, фольклор, қадрият, мерос, маориф, тил муаммолари ҳақида нега ёзмаман? Энди сенда шу масалалар, муаммолар кўндаланг турини, бошиниғ қотириши керак... Энди на бойиб миллионер бўласан, на амалдор бўлиб катталашасан, менга ўхшаб юраверасан: Қисмат экан, азизим, қисмат. Қисматдан қочиб ҳеч қайқа бора олмаймиз.

10. ....

11. Айтгандай, йил охирида Ислом бобонинг 120 йиллиғи бўлар экан. Бирон-бир нарса билан қатнашмизми, йўқми? ...ёзай десам фикр, айтмай десам гап кўл. Чарчамадимми, толиқмадими? Йўқ бўлса яна давом этаман. Сенга 50 бет хат ёзишга вақт ажратдим. Хуллас калом хайр. Омон бўл!

Хаммага дуо ва салом айт. Малик Муродилла ўғли. 14.05.92. Тошкент».

# ХАТЛАР ДИЛГА ТАРЖИМОН

(ТАНИҚЛИ ФOLЬKЛOPШУНОC OЛИM МАЛИК МУРОДОВНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА)



матларингиз учун Сиздан абадий миннатдорман, Сиздек меҳрибоним борлигидан ниҳоятда бахтиёрман. «Зайдиной» дostonини А. машинадан чиқардим деб айтди...

Хайр! Домим соғ бўлинг. Ишларингизга муваффақият тилаб, укангиз. Қодир бахши Раҳимов. 18.1.1979 й.

«Хурмагли Маликжон!

Авалло, рафиқамнинг вафотига ҳамдардлашганингиз учун раҳмат. Сиз республика газета-журналлари, радиосига ёзиб, қатнашиб туришини уқтирибсиз. Раҳмат, Маликжон! Ўзингиз биласиз, изланиб ижод қилган киши ёзмай, чиқаришга уринмай тура олмайди. Айни кунларда Тошкентдан чиқадиган газета-журнал редакциялари, ҳатто, жавоб ёзмайдилар. Босиб чиқариб эки қизитириш ҳуқуқига эга бўлиш — бўриниғ оғиздан суюқ олишдан ҳам қийин. Улар қўлэзмага: «Қандай ёзибди, деб эмас, балки нима иш қилар экан?» деб қарайдилар.

Масалан, «одамохун» деганларидан бирини келтирай, майда-чуйдасини эмас. Мен 20.XII.83 й. «Ёшлик» журналга — хурмагли Эркин Воҳидовнинг номига «лично!» деб хат жўнатдим. Хатимни 24.XII.83 йилда қабул қилиб олгани ҳақида «Уведомление о вручении почтового отправления» ҳайтиб қўлимга теғди ва қўрсанд бўлдим. Мақола «Аруз вазин ҳақида» деб аталиб, ёш шoirларга муҳим нарсани ёган эдим. Мана беш ой бўлди оқибат йўқ. Бу-

Чори ҚАМРОЕВ. Қарши шаҳри.

Дилнинг чуқур қаридан чиққан ва қалб даъвати билан битилган, миннатдорчилик, маслаҳат, йўқлаш, хабарлашиш, ҳол-аҳвол сўраш каби инсоний фазилатлар билан йўғрилган бундай мактубларни яна қўллаб келтириш мумкин. Мана улардан баъзи бирлариниғ муаллифлари: Али Аббос Чинор, Яхё Оқсой, Аҳмадбей, Бекир Биринчи, Умарқул бахши Пулкан ўғли, Зиедулла бахши Ислом шoir ўғли, Раззоқ бахши Қозғоқбой ўғли, Едгор бахши Исҳоқов, Хусан Аминов, Хушвақт Мардонақул ўғли, Ваҳобжон Муродов, Оташ Холмирзаев, Аълохон Ғозиев, Жўра Раҳим, Робиддин Исҳоқов, Абдумутал Турсунов, Тожибой Ғозиев, Ҳаким Бозор, Уткир Ҳошимов, С. С. Катташ, Я. Мустафин, Г. Г. Ботизату, Куса, К. Асаналиев, Ошиқ Ойдин Чўпон ўғли, Ориф Хусан, Мақсуд Шайхзода, В. Абдулло, Чустий, Б. О. Қориев, Бабаши Маметниязов ва бошқалар (рўйхатини яна давом эттириш мумкин).

Профессор Малик Муродов қанчалик кўп мактуб олса, шундан ортиқроқ жавоблар ҳам битади. Ўз ўичечинималарини шогирдларига айтиб, юрак дардларини ҳам бўшатади. Домла ёган хатлар тоғо бир саҳифа, тоғо йигирма саҳифа. Хатлардан мақсад ҳам керак, устоз ёқуд шогирдга дилини «ёриш». Яқинда бир шогирди ўн икки саҳифа мақола ёзиб, уни қўришга берган экан. Ўқиди-ю, севиномади. Аммо шу тунда ўша мақола ёзилган саҳифаниғ четларига, орқасига эрин-

ганлариниғ мағзини қақ, қатъий режалаштир:

1. «Мустақил уюшма керак» («Ўзбекистон овози», 7 май) номли мақолани ўқидинми, фикрингиз билдир. Қашқадар — Сурхондарё бахшилари қандай фикрда?

2. Орол Мўминово ва шoir Чори Авазга учрашсанг. Мен Орол ака билан суҳбатлашдим. Суҳбат сен ва Абдумўмин Қаҳҳоров домла билан ҳамкорликда:

а) Қашқадарё бўйлаб ўтказилган ўнлаб экспедиция натижалари (китоб);

б) Қашқадарё бахши-шoirлари дostonларидан намуналар (китоб);

в) Қашқадарё фольклори ҳақида бадиалар;

г) Қодир бахши ҳақида эссе (сенга ҳам айтган экан);

д) Чори Ҳамро ҳақида хотиралар, мақолалар ёзиш ва ҳоказо ҳақида бўлди.

3. Илмий тадқиқотини тезлат. Шунча йил директор бўлиб нима тодинг? Кел, шу бевафо, бебақо, субут-

Шу биргина парча орқали Малик Муродовнинг ўйи, ташвиши, меҳри, озгина қаҳри, интилиши аён бўлмаётими?! Бундай хатларни эса юзлаб келтириш мумкин.

Зеро, домланиғ ўзи: «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, хат бор, уларни қиш демаяй, ёз демаяй кеча-ю кундуз оёқда туриб бизга етказиб берувчи алоқачилар борлиғи учун яқинларимиз, дўстларимиз соғлигини билиб, дардлашиб, кўнглимизни бўшатиб тураимиз. Хат ўрнини на телефон, на пошилиячюмога боса, олади», дея қайта-қайта таъкидлаганда минг бора ҳақдир.

Абдуолим ЭРГАШЕВ, филология фанлари номзоди



Она-юртга, табаррук тууроққа муҳаббат унинг тарихини ўрганишдан бошланади. Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий мазийга қайтиб иш кўроқ хайрлидир дея бежиз айтмаган.

Кўпчиликнинг асида бўлса керак, турғунлик деб аталмиш йиллари бир мўдат Ўзбекистондаги колхоз ва совхозлар тарихини (ҳозир жамоа ва давлат хўжалиги дейилмоқда, ҳўш, унда колхозлаштириш номи билан тарихда қолган атама-тушунчани нима деб атаймиш?) ёзиш авж олди. Афсуски, бу иш ҳам ўша даврга хос бўлган кампаниячилик, ҳўкмор мафкура таъсирида олиб борилгани туфайли кўтилган натижани бермади. Шундай бўлса-да, бу сўб-ҳаракат заминида элу юрт тарихини битишдек хайрли вазифа ҳам турган эдики, ўша юмуш ҳали-ҳамон долзарбдир. Зеро, Ватан ўз остонангдан бошланади.

Яқинда ана шу савоб иш йўлида битилган бир китобчани ўқиб, (А. Набиев, Т. Хуриловнинг шу йил «Меҳнат» нашриётида чоп этилган «Бобур тавоф айлаган диёр» рисоласи назарда тутилмоқда) мамун бўлдим. Мен «савоб иш» дея бежиз айтмадим. Ҳозир йўғон чўзилиб, ингичка узилдаган, ҳар ким ўзидан орғинолмаётган, айниқса, китоб чиқариш жуда мушкул бўлган бир замонда шундай хайрли ишнинг гувоҳи бўлиш ростдан ҳам қувончлидир. Зеро, бутунги ўз-ўзини англаш, мустақиллини тобора мустақимлаш шароитида онаюртнинг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиниш, уни теран англаш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмаса керак.

Ушбу китоб ана шу нуқтани назардан ёзилган бўлиб, унда Хўжаобод туманининг кўҳна тарихи, бу воҳада олис ва яқин ўтмишида рўй берган ўзгаришлар баҳоли қудрат, рўй-рост ёриштиша ҳаракат қилинган.

Маълумки, тарих битиш, у хоҳ кичик бир қишлоқ ёхуд бутун бир мамлакат ҳақида бўладими — осон юмуш эмас. Бу мушкулоти ни юракдан ҳис этиб, ишга масъулият билан ёндошган муаллифлар ўз олдларига қўйган вазифани удалай олганлар. Улар район тарихини Ўзбекистон тарихининг кичик бир зарраси деб билган ҳолда нодир қўлёзма асарларни, қадимий ёрларни, археологик ашёвий топиламаларни, турли даврларга доир ҳўжатларни, архив материалларини синчиқлаб ўрганишган, бевосита район ҳудудидаги ёзув бўлган тарихи билан боғлиқ бўлган афсона ва ривоятларга, баддий адабиёт наму-

фаросатларининг самарасидир.

Кичик бир тақризда рисола ҳақида батафсил тўхталиш имконияти йўқ. Минг марта эшитгандан бир бора кўрган афзал деганларидек, яхшии китобни ўқиб чиққан маъқул, албатта. Шу боис муштарий кўнглига чўғ ташлаб қўйиш мақсадида китобнинг айрим диққатга сазовор жиҳатларини асла-тиб ўтамиз.

А. Набиев, Т. Хурилов Хўжаобод воҳасининг турк ҳўқонлиги ва ундан кейинги даври ҳақида фикр юритишар экан, «ўша даврда бизнинг халқларимизда ёзув бўлганми?» «ўша даврда қандай дин ҳўкморон бўлган?» каби ўта муҳим са-

дастлаб «Нодирабегим ариғи» деб аталган қаздиргани, Фарғона водийсида «Қора бўра», «Оқ бўра», сепоя, чорпоа каби сув тўсиш усуллари ҳақидаги ҳикоялар ҳам мароқлидир.

Шунингдек, халқ орасида «обравон» (Абғамов), «заҳар-мараз» (Захаров ва Мооров), «соқолин-сатин» (Соқолов сатини) каби ҳозиргача сақланиб қолган тўқимачилик матолари номларининг қардан келиб чиққанлиги, Дукчи Эшон раҳбарлигидаги ғалаён, 1916 йилги халқ кўзғолони, «босмачилик» деб аталмиш халқаракат ҳақида ҳам бетакрор, қизиқарли маълумотлар берилган.

да тутуди. Россия бизга юксак маданият олиб келди, дегувчилар қаттиқ янглишадилар. Ахир бизнинг ўилаб етуқ аждодларимиз IX — XII асрлардаёқ жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссаларини қўшганлар». (54—55-бет).

Юқоридаги каби дадил фикр-мулоҳазаларни қўлаб-қувватлаган ҳолда, хўрматли муаллифларга айрим эътироз, истакларимиз ҳам йўқ эмас.

Маълумки, бизнинг яқин тарихимиз, айниқса, шўброқ ҳўкморлик қилган йиллар ундан, даҳшатли, тузатиб бўлмас фожавалар, хатолар давридир. Тарих сабоқ бўлиши учун ҳам ана шу мураккаб даврни қисқа бўлса-да янада теранроқ, изчилроқ ёритиш лозим эди.

Воҳадан етишиб чиққан жуда кўп фидойи кишилар, оддий меҳнаткашлар, таниқли шахсларнинг номлари фахрур ғурур ила тилга олинадик, бунга эътироз билдириш қийин. Айни чоғда, айрим раҳбарларнинг (масалан, И. Раҳмонов каби) тарқиман ҳолини бериш шартмиди?

«Хотима ўрнида» бобида келтирилган маълумотлар китобнинг илк болларига берилгани маъқулроқ эди.

Бундай жузъий нуқсонлар китобнинг умумий қийматини пасайтирмайди, албатта.

Агар ўлкамиз тарихини ингичка тафаккур, илгариги ҳўкмор мафкурадан тамомила фарқ қилувчи мустақиллик мафкураси асосида ўрганиша чоғланганимиз рост бўлса ва ана шу тарихни қойилмақом қилиб битган муаллифлар учун Бобур номидаги мукофот жорий этилгудай бўлса, (орзуга айб йўқ, қолаверса, «Бобурнома» Ватан тарихи ва муҳаббат йўлида қўйилган Тожмаҳал янглик ўлмас, бебаҳо ҳайкалдир) намина иккиланмай юқоридаги рисолини ана шу мукофотга лойиқ топар эдим.

Шодмон ОТАБЕК

# ВАТАН ЎЗ ОСТОНАНГДАН БОШЛанаДИ

наларига алоҳида эътибор беришган, кўпдан-кўп кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишган.

Рисоладан шу нараса англашиладики, ҳозирги Хўжаобод райони ҳудудидаги жойлар тарихи эраимиздан, аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Шу боис туман тарихи, унинг узоқ ўтмиши биринчи галда археологик, этнографик, топонимик материаллар руҳидан келиб чиқиб, ҳаққоний далилларга суянилган ҳолда асослаша ҳаракат қилинади. Булардан шу нараса англашиладики, бутунги кўриниша эга бўлган районнинг барча моддий ва маънавий бойликлари, қадриятлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришилган муваффақиятлар осонликча қўлга киритилмаган. Улар улуг аждодларимиз ақл-заковатларининг, юксак дид-

волларга ҳам жавоб қидиришган.

Рисолада воҳанингда суғориш тарихи ҳақида жуда кўп, қимматли маълумотлар берилган.

Араб истилоҳиси Қўтайба ибн Муслимининг 715 йили ҳозирги Андижон вилоятининг Жалолқудуқ райони ҳудудидаги Гурунч мазор (аслида Қилич мазор) темир йўли станцияси ёнида қўзғолончилар томонидан ўлдирилганлиги, Амир Темурнинг тумандаги Карнайчи қишлоғига келиши билан боғлиқ ривоят, қомусий асар бўлмиш «Вобурнома»нинг район тарихи учун ҳам қимматли манба эканлиги, Хўжаобод номининг келиб чиқиш тарихи каби тафсилотлар китобхони беварқ қолдирмайди.

Машҳур Шаҳрихонсой (Хон сой)ни Қўзон хони Умархон сулолки рафиқаси Нодирабегим шарафига (сой

Муаллифлар юқоридаги масалалар, жумладан, ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва шунинг оқибатида ўлкага кириб келган ингилликлар, ўзгаришлар ҳақида қатъият ва собитқадамлик билан, ҳаққоний фикр юритдилар. «Россия ўрта Осиёни, шу жумладан, воҳамизни ихтирий равишда қўшиб олмай, балки халқий куч ишлатиш йўли билан босиб олган. ўрта Осиёда, шу жумладан, вилоятимиз ҳудудида темир йўллар қурилиши бу ерли аҳолининг манфаатларига қисман хизмат қилган бўлса-да, аммо асосан бизда етиштирилган турли хом ашё ва маҳсулотларни ташиб кетиш мақсадида бунёд этилган. Шунингдек, бу ерда кичик корхоналар, завод ва фабрикаларнинг пайдо бўлиши ҳам Чор ҳўкуматининг арзон хом ашёни қўлга кириштириш манфаатларини назар-

## БИЛАСИЗМИ?

Буюқ аллома Улугбек яратган илмий тадқиқот ишларининг энг йирини унинг юлдузлар ҳаракатига бағишланган астрономик жадвали бўлиб, бу «Зичи Кўрагоний» ёки «Зичи Улугбек» номи билан машҳурдир. Бу ноёб асар Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Улуг олимнинг юлдузлар ҳақидаги асари 1665 йили Оксфордда, 1853 йили Парижда, 1917 йили Америкада, 1943 йили Лондонда ва бошқа шаҳарларда босилиб чиқди.

«Зичи Кўрагоний» асарида одатдаги математик формулалар ҳам, тенгламалар ҳам, юлдузларнинг номи

ҳам йўқ. Ҳатто унда бирор-та рақамни учратмайсиз. Рақамлар ўша пайтларда ҳарфлар билан ифодаланган. Улугбек асарини икки мартадан таржима қилишга тўғри келди. Мураккаб ва машаққатли ишни атоқли улугбекшунос олим, академик, Меҳнат Қаҳрамони, профессор Т. Н. Қори-Нисёзий бажарган эди. У жадвалларга биринчи марта кенг ҳажмида изоҳ берган. «Улугбекнинг астрономик мактаби» деб аталган асар унинг муаллифи, академик Т. Н. Қори-Нисёзийга катта шўҳрат келтирди. Мазкур жиддий тадқиқоти учун у собиқ СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.



Янги фильм суратта олинмоқда.

Сураткаш У. ҚўШВОҚОВ

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

### ИМОННИНГ АФЗАЛИ

Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир.

Икки жағингиз ва икки оёғингиз ўртасидаги аъзоларингизни тийинг!

Бошга тушган мусибатларини, ўзидеги касалликларини ва қилган хайру эҳсонини яшириш — яхшилик ҳазиналаридандир.

Мусибат етганида сабр қилувчи, берилган неъматларга шўкр қилувчи, бировларнинг қилмишини кечирувчи, ўзи бировага зулм етказса тавба қилувчи кишиларга хо-

тиржамлик ва ҳидоят ато этилур.

Одамларни қулдираман деб ёлғон гапирадиган одамнинг ҳолига вой.

Имонли одам ваъдага вафодор бўлади.

Бу дўнда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиймат кунин кўп бўлур.

Исон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.

Мўмин бандедаги энг разил хислат ёмон сўзлар билан кишиларни сўкшидир.

Кишиларга лънат айтувчилар қиймат кунин шохид ҳам, шафот қилувчи ҳам бўлолмайдилар.

Аллоҳ Таолога чин кўнгли билан қаттиқ ишонувчан киши бошқаларга лънат ёғдирувчи бўлмастлиги керак.

Қайси бир жамоат бир-бирларига лънат ёғдирса, лънат-

лари ўз устларига ёғилади.

Эй умматларим! Бир-бирларингизни сенга Аллоҳнинг лънати, газаби ва дўзахи бўлсин, деб дуоибад қилманглар.

Гапингга қаттиқ ишонадиган биродарингга ёлғон сўзин айтмоғинг катта хўнандир.

Биродаринг билан жанжаллаша ва ҳазил қилишма ҳам-де ижро этмайдиган нарсани унга ваъда берма.

Судҳўрликдан ҳам қаттиқ-

роқ нараса кишининг ор-номусини ҳақорат қилишдир. Сўкишининг ёмони ҳажв қилишдир. Бировни сўкканини айтибсан одам сўкувчининг биттабандир.

Мўминларнинг афзали ҳулқи яхшироғидир.

Эркак кишининг жамоли тиллидир.

Ҳеч бир киши иккинчи бир одамдан бирор нарсаси билан афзал эмасдур, агар афзал бўлса дини билан ва яхши амали билан бўлади.

Аллоҳ Таоло наздида ҳақ сўзин гапирмишдек севимлироқ садақа йўқ.

Кинорежиссёр студиянинг хўжалик ишлари бўйича муовинини олдига чақириб, буйруқ оҳангда деди:

— Ҳим-м...., мана бу қалам билан қогозни олинг-да, ёзинг! Студиямизга шошилинч равишда керак: Олти-та бўри, кулранг ёки қизилдан бўлса яна ҳам яхши, тўртта қоплон...

— Бўринг-ку бир амаллаб топармиз-у, лекин қоплон топиш жуда-а амру маҳол-да, хўжайин.

— Кўрманаси қирқ тилло бўлса ҳам топасиз! Чекига мана биз имзо қўямиз. Хў-ўш, қоплонга келиб қолдикми? Давом қилинг: Унта туяқуш, бешта айиққопловон, шундан иккитаси оқ айиқ— яъни қутб айигидан бўлсин.

— Кутб айиги...? — Ҳа, кутб айиги! Айтилдики вассалом, юз минг сўм бўлса ҳам топасиз! Чекига мана биз имзо қўямиз. Хў-ўш, айиққопловонга келиб, қолдикми? Ёзинг: йитирмата маймун, ҳар хилдан бўлсин, иккита фил...

— Ахир бунча жониворни тўлаб нима қиламиз?— жинийрон бўлди муовин.

— Гапни бўлмай ёзавринг, сценарийда айнан шундай кўрсатилган. Хў-ўш, филга келиб қолдикми? Давом қилинг: тўртта тимсоҳ, иккита бегемот, ўн бешта

тоғ эчкиси—шундан бештаси серка бўлсин, шохв пармадай буралиб-буралиб кетгани бўлса яна ҳам яхши. Хў-ўш, энди масаланинг иккинчи жуда-а нозик томони

атиги иккитагина баобаб дарахтидан ўрнатсақ, нур устига нур бўларди. Ҳа, майли, бунинг ҳам бир иложи-ни қилармиз. Ана вассалом, бор-йўғи шу. Сиз бўлсангиз

# ТУХФА

(Ҳажвия)

га ўтамыз. Ўрмон хўжалиги билан келишиб, декорация учун юзта арча, қирқта чирнол, олтинпта заранг дарахтидан кесиб келасиз. Аҳ сабил, Африка сал узоқлик қилиб турибди-да, саҳнага

вахима қилиб ўтирибсиз. — Дарахларнинг-ку бир иложини қилармиз; ахир бунча жониворни нима билан боқамиз? — Ҳе, ҳам емаиғ,— бепарво қўл силтади режис-

# Афандининг ХУРЖУНИ



Муҳаммад ПИРРИЕВ

## КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Болакай тепакал одамга қараб, деди: — Амаки, намунча юзингиз кўп.

— Мен тўғилганимда отам, онам бозорга кетишган эди, уйга келиб қарашса мен турибман-да!

— Бобом қишда товуқларимиз совқотмаслиги учун уларни сўйиб ташлади.

— Мен чақалоқни йўргаклай олмайман, — деди бобо. Набира ажабланиб сўради: — Унда энам чақалоқлигида уни қандай йўргаклагансиз!

Болакай укасига деди:

— Чироқни ўчирма, ухлаганимизни кўрелмай қоламиз.

— Отам ишдан келасолиб китоб ўқиса, онам эса кир ювса, ахир мен билан қачон ўйнайсизлар!

— Мен саримсоқлибни яхши кўрман. Ундан қазининг хиди келади.

— Отанон, сиз чақалоқлигингизда қиз боламдингиз ёки ўғил бола!

— Нима учун овчилар ит билан юришади!

— Э, шунинг ҳам билмайсанми! Қўёнлар ҳужум қилмаслиги учун-да!

— Бир кунда шувчалик тентанлик қилинган қандоғ улгурасан?

— Мен ерталаб жуда барвақт тураман.

— Бугун метрода бирагўла учта ёш йағит туриб, менга жой бўшатишди?

— Хўш, сен ўша жойга сизднгини?

Судья аёлдан сўради: — Эрингиз сизни тақдирларини? — Йўқ, гражданин судья.

қо йўқ эди. Ҳатто тўйин ҳам қарз кўтариб ўтказганмиз. — Энди-чи? — Энди бешта боламиз бор.

Хотин итнини қўлга ўргатмоқчи бўлиб уринарди. — Қўявер, уни ўргатиб бўлмайди, — деди эри.

— Ҳечқиси йўқ, илгари меннинг ҳам қўлимдан ҳеч нарса келмаганди.

— Офицант, бу напшларингиз жонингизга теғди.

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

— Ахир у кулоғингизнинг бир парчасини тишлаб узиб олибди-ку?!

— Қўшингиз билан жанжаллашганда нега бошига гўлтувак билан туширдингиз?

— Ахир у гуллари яхши кўради-да!

Озиқ-овқатнинг қимматлигидан юрак олдириб қўйган қўшни хотинлар гапидан:

— Агар ёгингизда қўймоқ нишириб олишга кўсангиз, гўштигизни шўрвамда қайнатиб олинганига рухсат берарман.

Қайнона кўёвдан сўради: — Қизимни биринчи марта кўргангизда нимани ўйладдингиз?

— Мен, «О, унинг онаси ниҳоятда гўзал бўлса керак!» деб ўйладим.

Бир аёл ишга қўзлари моталоқ бўлган ҳолатда келди.

Ҳамкасблари ундан сўради: — Ким сизни шундай аҳволга солди?

— Эрин.

— Биз уни хизмат сафарига бўлса керак деб ўйлагандик.

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим.

ҳам, хотинимда ҳам ҳеч ва — Айнан қайси бирларни эканини кўрсатинг, ўзим таъзирини бериб қўяман.

Йўлдақда бир маст оғанаб кўлади.

— Э чўққадек ичмай ўл! Немис аёли: — Тез ёрдам беринг! Бу кишининг аҳволи ёмон!

Француз аёли: — Бу кимнинг эркаги? Кимники? Демак, ҳеч кимники! Такси!

— Азиям! Сен мени сочларим олоққ бўлганда ҳам севсанми?

— Албатта, Ахир мен сени маҳалларанг, қоп-қора, сарғиш бўлганигда ҳам севганман-ку!

— Ҳой етимча, мана бу бир долларни ол!

— Қанақасига мен етимча бўларканман! Ана, отам турибди.

Кавбой тўплогасини олиб, отани шартта отиб ташлайди:

— Етимча, долларни ол!

Йўловчи бегона шаҳар кўчаларида ҳадиксираб юрарди. Қаршисидан бир барзанги чўкиб, тўхтатади:

— У ёққа борма, ечинтиришади. — Унда қайёққа борай бўлмасан? — Ҳеч ёққа борма! Мана шу ерининг узиди ечин!

МУАССИС: Ўзбекистон

Республикаси Алоқа

Вазирлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ

Мирпўлат МИРЗО

Тоҳир РАҲИМОВ

Ислом УСМОНОВ

(бош муҳаррир

Уринбосари)

Еқубжон

ХУЖАМБЕРДИ

Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ

Билол АМИНОВ

Шоҳруҳ АҚБАРОВ

Саидмаҳмуд

АҚБАРОВ

Меҳмонқул

ИСЛОМҚУЛОВ

Жамол КАМОЛ

Тўлқин

ЛУТФУЛЛАЕВ

Тоғай МҲРОД

Сафар ОСТОНОВ

Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,

Тошкент-35, А. Толстой кў-

часи, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42,

32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64800

ЖУМА КҮНЛАРИ

ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган

кўлбазмалар (2 оралиқда, 5

бетдан ошмаслиги лозим) ва

суратлар муаллифларга қай-

тарилабмайди. Мақолалардаги

фирма-мулоҳазалар, келти-

рилган факт ва рақамлар

масъулияти муаллифлар

## ХАНДАЛАР

Кўчада икки кундош тўнаш келиб қолишди.

— Вой, хайрият-е,— деди улардан бири,— сизни ақлдан озибди деб эшитиб бирам хафа бўлувдим, бирам хафа бўлувдим...

— Ҳа, кўз билан кўрмаганинча бировларнинг гапига ишониб бўлмас экан,— деди иккинчи кундош,— менам сизни ақли кириб қолибди, деб эшитиб бирам хурсанд бўлувдим, би-

рам хурсанд бўлувдим!

Китоб дўконининг мудирдан таниши сўраб қолди: — Китобларнинг бозори қачон бўлиб қолдикми?

— Ёмон!— деди дўкон мудир бош чайқаб. — Нега?

— Нега десанг, бугунги кунда пулдорларда савод йўқ!

## «ХАБАР»НИНГ УТГАН СЕНИДАГИ «АФАНДИНИНГ ХУРЖУНИ» САҲИФАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СУРАТГА ИЗОҲЛАР



● Қани оғзини каттароқ оч-чи, тиш суғариш учун ичкариқ кириш керакна ўхшайди.

● Додлама, додлама, дўстим бегемот, Тишини даволашга келди олйи зот.

● Ҳозир томоғингни босиб қўйсам, отдай бўлиб кетасан.

● Кеча терилган 20 тонна пахтани ёмғирдан шу ерда сақласа бўларкан-ов.

Тўловчи: Э. ЭШОНҚУЛОВ

● Шохи узун дарахтда мева кам бўлгани каби, шундай жатта оғизда бор-йўғи иккита тишим?